

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси – 100 ёшга тўлди.

Каттақўрғонлик тирик афсона.



Мататов Раҳмин Рибиевич 1921 йил 18 сентябрда Ўзбекистон Республикаси (собиқ Ўзбек ССР) Самарқанд вилояти Катта-Қўрғон шаҳрида кўп фарзандли мато ва ип газламалар бўёвчи уста оиласида туғилган. Оилада 6 фарзанд бўлиб, энг кичиги Раҳмин олти ойлик бўлганида отаси, 11 ёшга тўлганида эса онаси вафот этади.

1928 йилда Раҳмин ўша йили расман очилган Катта-Қўрғондаги 6-сонли маҳаллий яхудий мактабининг 1-синфига ўқишга қабул қилинади. У 1935 йилда ушбу етти йиллик мактабни тамомлаган.

Худди шу йили, мактабни тугатгач, Раҳмин Мататов Кўқон педагогика техникумiga ўқишга киради ва 1938 йилда уни муваффақиятли тамомлади.

1938-1940 йилларда ёш ўқитувчи Катта-Қўрғондаги ўзи етти йил таҳсил олган мактабда иш фаолиятини бошлайди. Бу ерда у кундузи болаларга адабиёт ва она тилидан, кечқурун эса катталарга ўқиш ва ёзишдан таълим берарди. Ўша йилларда бутун мамлакат бўйлаб саводсизликка барҳам

бериш дастури ("Ликбез") қабул қилинган эди. Икки ўқув йили давомида, ҳар оқшом икки соат давомида маҳаллий аҳолига жамоатчилик асосида ихтиёрий равишида текинга ўқиш ва ёзишни ўргатган.

1940 йилда Бухородаги яхудий тили тожик тили билан бир-бирига яқин деб ҳисобланиб, маҳаллий яхудий мактабларини қисқартириш ва уларни тожик мактаблари билан бирлаштириш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Маҳаллий яхудий мактаби тутатилгач, 1940 йилда Раҳмин Мататов Самарқанд педагогика институтининг кундузги физика-математика факультетига ўқишга киради. Бироқ, мушкул молиявий аҳволи (урушдан олдинги йилларда талабалар нафақаси ва ётоқхона берилмаганлиги) туфайли у яна ўқитувчиликка қайтиб, Катта-Қўрғон шаҳридан 15 километр узоқликда жойлашган Янги-Қўрғонча қишлоғидаги 15-мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлайди. Ўша пайтларда мунтазам қатновчи транспорт бўлмаганлиги сабабли, дам олиш кунлари, иш хафтаси бошида у Катта-Қўрғон шаҳригача ва қайта йўналишгacha бўлган масофани пиёда босиб ўтади. Ушбу қишлоқ мактабида у 1941 йилнинг январидан 1942 йилнинг мартағача ўқитувчи ва мактаб мудири бўлиб фаолият юритади.

Уруш давом этаётган бир пайт Раҳмин уни амалдаги армияга юбориш талаби билан бир неча бор мурожаатномалар ёзган. Фронтга имкон қадар олий маълумотли, ҳеч бўлмаганда ўрта маълумотли кадрлар зарур эди. Ва ниҳоят, 1942 йил 18 марта Самарқанд вилояти Катта-Қўрғон шаҳри Катта-Қўрғон шаҳар ҳарбий комиссарлиги томонидан ёш ўқитувчи Раҳмин Мататов армияга сафарбар этилади ва курсант сифатида уруш бошларида Самарқандга эвакуация қилинган Қизил Армия жанговар ҳарбий қисмлари учун радио бўлинма командирлари тайёрлаб берувчи Воронеж ҳарбий алоқа билим юритилади.

Билим юрти Самарқанд темир йўл вокзали яқинida жойлашган бўлиб, у ерда танк мактаби ва захирадаги ўқ отиш дивизияси ҳам бор эди. Билим юртида курсантлар электроника, радиотехника, турли хил (кўчма ва стационар) маҳаллий радиостанцияларнинг тактик ва техник маълумотларини, ҳар хил модификацияли телефонларни, ҳарбий топографияни, ҳамда батальон, полк ва дивизия миқёсида радио, телефон алоқасини ташкил қилишни ўрганишади.

Улар, шунингдек, умумкўшин ҳарбий фанларини ҳам ўрганишган. Курсантлар таълими 12 ой - мартдан мартгача давом этган. Билим юртидаги умумий мухит намунали эди, курсантларнинг кўп миллатли таркиби ўртасида интизом ҳукм сурарди. Миллатлар масаласи умуман кўтарилилмасди, ҳамма бирдек эди. У ерда таълим оловчилар орасида яхудийлар кўп бўлиб, фақат иккита маҳаллий аҳоли вакили - Катта-Қўрғонлик Раҳмин Рибиевич Мататов ва Самарқандлик Давид Хияевич Калонтаровлар бор эди.

Рахмин Рибиевич ўз хотираларида, билим юртини тугатгандан сўнг, Давид Гарбий фронтда жанг қилганини, телеграф взводини бошқарганини айтади. 1944 йилда у асирга олингандиги ва фашистлар томонидан асирга олингандар барча яхудийларнинг тақдири уни ҳам четлаб ўтмаслигини таъкидлаган. Дўстлари унга катта ёрдам кўрсатиб, унга бир неча Қуръон оятларини ўргатишган ва немисларга уни мусулмон сифатида танишишишган. Шундай қилиб, ватандош - ўзбеклар ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, Давидни муқаррар ўлимдан кутқаришади.

Ўқиши тугатгандан сўнг, икки юз нафар битиравчидан 150 нафари кичик лейтенант унвонига, яна 50 нафари лейтенант унвонига сазовор бўлади, уларнинг орасида Раҳмин Мататов ҳам бор эди. 1943 йил апрель ойида ёш офицер Шимолий Кавказ фронтига "Кичик ер" ("Малая Земля") учун шиддатли жанг олиб бораётган генерал -лейтенант Константин Леселидзенинг 18-армияси жанг қилаётган Новороссийск яқинидаги қўприк ҳудудига юборилади.

Бу қўприк ҳудудида лейтенант Мататов ўз радиостлари билан биргаликда батальон командирини танк экипажлари билан ўзаро радиоалоқасини таъминлайди; радиост-разведкачи сифатида душман фронт ортида танкчилар уюштирган энг хавфли жангларда қатнашган. Шиддатли жанглар давомида, фашистлар Совет қўшинларини Қора денгизга ирғитиб, яксон қилишга интилишди; Генерал Леселидзе армияси фашистларга қаттиқ қаршилик қўрсатади. Бу ернинг қаҳрамонона ҳимояси 225 кун давом этди. Ушбу шафқатсиз жанговар вазиятда ёш офицер Мататов биринчи қадамларини қўйди. У 1943 йил 16 сентябрда Новороссийск тўлиқ озод бўлгунга қадар ("Кичик ер") "Малая Земля" да қолди.

Сўнгра Раҳмин Мататов Биринчи Украина фронтининг 237 -ўқчи дивизияси 841 -ўқчи полкининг радиовзводи командири этиб тайинланади. Унинг кейинги жанговар йўли босиб олинганди Украина ҳудудида ўтади. Яна бир бор, Раҳмин радиостлари билан бирга Днепрни кечиб ўтиш, Киев, Житомир, Бердичев, Дрохобич ва Борислав шаҳарларини озод этиш мобайнида ўзининг пиёда полки томонидан олиб борилган барча жанговар операцияларни барқарор радио алоқа билан таъминлайди.

1944 йил август ойининг бошида 237 -дивизия янги - Тўртинчи Украина фронти таркибида кирди ва Карпат тоғларига яқинлашади. Дивизия ўрмонли тоғларни оғир жанглар билан босиб ўтишга мажбур бўлади. Тоғли ва ўрмонли ҳудудларнинг маҳсус шароитида радиоалоқа ўрнатиш бўйича тажриба орттириш учун лейтенант Мататов бир ой давомида ўз радиостлари билан Карпат тоғларида машғулотлар ўтказади. У "Ватан учун" фронт газетасида чоп этилган бир қанча мақолаларида ўзининг билимларини бошқа ҳарбий алоқачилар билан бўлишади. Ушбу тўпланган тажриба Гарбий Украинани озод этиш учун олиб борилган шиддатли жангларда 18 -армиянинг барча радио бўлинмаларига хизмат фаолияти давомида ас қотди.

Карпатни кесиб ўтгач, 237 - ўқчи дивизияси ва унинг 841 - полки Польша, Венгрия ва Чехословакияни озод этиш учун олиб борилган шиддатли жангларда қатнашади. Р. Мататовнинг радиостлари ўз пиёда полкининг барча ҳужумкор операцияларини ишончли радиоалоқа билан етарли даражада таъминлаб, жанговар топшириқларнинг бажарилишини осонлаштиради. 1944 йил 15 - ноябрда Словакиянинг Кошице шаҳри учун кечган шиддатли жангларда лейтенант Раҳмин Мататов мина парчаларидан қаттиқ яралangan бўлиб, унинг умуртка поғонаси шикастланади, унинг танасида (75 йилдан буён!) ҳали ҳам душман ўки бор.

Касалхоналарда даволаниб, анча тузалганидан сўнг, 1945 йил феврал ойида Раҳмин Мататов фронтга ўз бўлинмасига, радиостларининг ёнига қайтади ва улар билан урушнинг сўнгига қадар барча ҳарбий операцияларда қатнашади, ўз бўлинмасининг жасур радиостлари билан бирга Ватан олдидағи бурчини шараф билан бажаради.

Жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун катта лейтенант Раҳмин Рибиевич Мататов "Қизил Юлдуз" ва "1-даражали Ватан уруши" орденлари, "Жасорат учун" ва "1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган Ғалаба учун" медаллари билан тақдирланган. Прага ва Чехословакиянинг бошқа шаҳарларини немис босқинчиларидан озод қилишда қатнашгани учун Чехословакия Президенти генерал Людвиг Свобода ватандошимизга чехословакиянинг "Мардлиги учун" медалини топширган.

Офицер Раҳмин Мататов урушдан кейинги армиядаги хизматини Шарқий Пруссиянинг Летцен шаҳрида (ҳозирги Польшадаги Гижицко шаҳри), 1946-йилнинг январ ойидан

Грузияда, Туркия чегарасидан 12 км узоқлиқдаги Ахалкалаки шаҳрида 10 - гвардия ўқчи дивизияси 24-гвардия ўқчи полкіда давом эттиради.

Фақат 1947 йилнинг июл ойида Раҳмин ака бир вақтнинг ўзида иккита "катта лейтенант" ҳарбий унвонини бериш ва захирага бўшатиш ҳақида буйруқ олади. Кўп ўтмай, у ғалаба билан ўз она шаҳри Каттақўрғонга қайтади. У захирадаги офицерларни қайта тайёрлаш курсларини тутатганидан сўнг, урушдан бир неча йил ўтгач (1957 йилда) капитан унвонига сазовор бўлади.

1947 йилнинг декабрь ойида Раҳмин ака ўз тақдирини самарқандлик Истам Алаева исмли қиз билан боғлайди ва у билан 68 йил бирга яшади. Улар олти фарзандни тарбияладилар, 70 дан ортиқ неваралари, эваралари ва чеваралари бор.

1948 йилнинг ёзида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат университетининг сиртқи бўлимига, Самарқанд механика -математика факультетига ўқишига киради ва 1953 йилда "математик" мутахассислиги бўйича дипломини химоя қиласди. Биринчи беш йил, 1953 йилдан 1958 йилгача, Раҳмин Рибиевич ўзбек тилида таълим бериладиган 2 -мактабда, 1958 йилдан 1960 йилгача эса рус тилида таълим бериладиган 6 -мактабда математика ўқитувчиси лавозимида фаолият юритади. Кейинги 30 йил давомида у мактаб катта инспектори, Катта-Қўрғон шаҳар халқ таълими бўлими бошлигининг ўринбосари бўлиб ишлайди. Мехнатдаги эришган ютуқлари учун у "Фахрий белги" ордени (1966 йилда), икки марта Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиумининг фахрий ёрлиги ва "Мехнат фахрийси" медали билан тақдирланган.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида собиқ фронтчи Каттақўрғон шаҳридаги яҳудий қабристонини ободонлаштириш учун маблағ йиғишини ташкил қилган. Натижада қабристон қўриқчиси ва унинг оиласи учун уйга табиий газ, электр энергияси ва оқимли сув етказиб берилади. Шундан кейингина, ота-боболаримизнинг абадий тинчлигини химоя қилиш учун бел боғлаган Раҳмин ака ва унинг оиласи 1994 йил июл ойида Истроилга кўчуб кетади ва шу кунгача Рамла шаҳрида истиқомат қилишади.

Истроилда бўлганида, Р. Мататов узоқ вакт қабристонни ободонлаштириш учун маблағ йиғишини бошқаришни давом эттиради. Унинг асосий ижтимоий фаолияти Истроил Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари иттифоқи - фашизмга қарши курашчилар билан боғлиқдир. Истроилга кўчуб келганидан сўнг, у шу Иттифоқ аъзолигига қабул қилинди ва тез орада Рамлин бўлими раисининг ўринбосари этиб сайланиб, 2003-2012 йилларда бу бўлимни бошқарган. 2007 йилда Истроил Бухоро-яҳудий жамоасининг фахрийлар ва уруш ногиронлари иттифоқи тузилди. Бу Иттифоқни бошқариш Р. Мататовга ишониб топширилган ва у бу ташкилотни бугунги кунгача муваффақиятли бошқариб келмоқда.

2010 йилда, фашизм устидан қозонилган Галабанинг 65 йиллигини нишонлаш мобайнида, Истроил Иккинчи Жаҳон уруши фахрийлари - фашизмга қарши курашчилар иттифоқининг тақдимотига кўра, Иттифоқнинг Рамлим бўлинмасини моҳирлик билан бошқаргани учун Совет Армиясининг захирадаги капитани Раҳмин Мататовга "Йил одами" фахрий унвони тақдим этилган.

Раҳмин Рибиевич Ўзбекистон ва Истроил уруш фахрийлари ташкилотларида кўп йиллар давомида фаолият юритиб, ўз сафдошларининг жасоратлари ва қаҳрамонликларини хотирасини абадийлаштириш учун кўп ишларни амалга оширишга муваффақ бўлган. Шундай қилиб, у Катта-Қўрғон шаҳар уруш фахрийлари қўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган вақтларида, туғилган шаҳрининг 18 та мактабида ёшлар ўртасида катта тарбиявий ишлар олиб боради. У бошланғич ҳарбий тайёргарлик фани мактаб ўқитувчилари учун маҳсус маъruzалар уюштиради, ўқувчилар ва уруш қатнашчилари ўртасида учрашув ва сухбатлар ўтказади.

Бу ишлар Истроилда ўз давомини топди. Бир неча йиллар давомида Раҳмин Мататов "Ҳаёт саҳифалари" (2002), "Инсонлар ва тақдирлар" (2007), "Ўзим ҳақимда хотира қолдириш" (2013), "Дўстлар ва ўртоқлар ҳақида" (2017 йил) номли тўртта хотира китобини ёзади ва нашр этади. Бу китобларда кекса фахрий ёш авлодга кирқдан зиёд уруш қатнашчилари - турли миллатдаги жангчиларнинг қаҳрамонликлари ва қилмишлари: ўзи билан урушнинг оловли йўлларини бирга босиб ўтган қуролдошлари, ўзи ўқиган ва фаолият юритган, турли йилларда таълим берган фронт орти меҳнаткашлари ҳақида ҳикоя қиласди.

2012 йил Ғалаба куни, Рамла шаҳрида, байрамона мұхитда, Раҳмин Мататов ва шу шаҳар ҳокимининг ўринбосари Зинаида Исҳакова бошчилигидә ташкил этилған Жанговар Шон - шараф хонаси тантанали равишда очилди.

Раҳмин Мататов Истроилда яшаган йиллар давомида доимий равишда Каттақўрғонлик ватандошлари, айниқса ўқитувчи ҳамкаслари билан ёзма ва телефон орқали алоқага чиқиб туради. 2003 йил сентябр ойида рафиқаси Истам билан (унинг хотираси абадий бўлсин!), бир ой давомида ўз шаҳри Каттақўрғонда дўстлариникида меҳмонда бўлишади. Ўзларининг собиқ уйларида, 1950-йиллардаги собиқ ўқувчиси Эркатош опа Назарова ҳонадонида қолишади. Бу бир ой давомида 30-40 йил олдин мактабни тугатган Р.Мататовнинг ҳамкаслари ва ўқувчилари билан кўплаб учрашувлари бўлиб ўтади.

Шаҳар ўлкашунослик музейида жуда қизиқарли учрашув бўлиб ўтди, у ерда кўп йиллар олдин хоналардан бирининг бутун девори Раҳмин Мататовнинг педагогик ва жанговар таржими ҳолига бағишлиланган эди. Хотираларининг тўртта китоби ҳам шу музей жавонларида сақланади. Шаҳар "Каттақуркон тонги" ва вилоят "Самарқандский вестник" газеталарида Р. Мататовнинг яхудий ва ўзбек ҳалқлари дўстлиги, Истроил фахрий ташкилотлари ўтказган энг муҳим воқеалар ва кечалар ҳақиқидаги мақолалари чоп этилган. Истроил ва Каттақўрғон ўртасидаги бу кўп томонлама муносабатлар бугунги кунга қадар давом этмоқда. Бу ҳақиқатан ҳам ҳалқ дипломатияси бўлиб, унинг аҳамияти жуда бекиёс саналиб, Истроил ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади ва уруш фахрийси Раҳмин Мататовнинг бу хайрли ишга қўшган ҳиссаси ҳам бебаҳодир.

Ғалабанинг 75 йиллиги арафасида (2020 йил 15 апрель куни) Мулла Раҳмин Мататов хонадонига Ўзбекистон Республикасининг Истроилдаги консули жаноб Салаҳитдин Орибхўжаев, "Қаҳрамонлик ва хотира" китоби муаллифи Аркадий Калонтаров ва ёзувчи Аркадий Иноятовлар ташриф буюради. Бу учрашув чоғида Ўзбекистон консули Каттақўрғонлик юз ёшлик ҳамюртимиздан ўзбек тилида ажойиб интервью олади. Ушбу интервью 9 май куни ўзбек телевидениеси каналларида намойиш этилади. Бу сұхбатда ҳамюртимиз ўтган йиллар, уруш сўқмокларидан бирга ўтган ватандошлари ва қуролдош дўстларини хотирлайди. Сұхбат сўнгига доно оқсоқол уларни боққан Ўзбекистон ҳалқига ва заминига ташаккур билдиради.



А.Калонтаров, С.Арибходжаев, , Р.Мататов ва А.Иноятов.

Ҳурматли юртдошимиз Раҳмин Рибиевич Мататовга сиҳат -саломатлик, куч -қувват ва узоқ вакт давомида биз учун Улуғ Ватан урушидаги ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган мард жангчиларнинг тирик намунаси бўлиб қолишини тилаб қоламиз.

*полковник Шакиров Мухторжон Абдисалиевич,
“Ғалаба боги” ёдгорлик мажмуаси бошлигининг илмий ишлар бўйича ўринбосари,
“Шон -шараф” давлат музейи директори.*

*Шахиста Якубовна Максудова
Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон-Истроил”
дустлик жамияти директорининг ўринбосари*